

<i>Ташилот номи:</i>	Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги юридик техникумлари
<i>Таркибий бўлинма номи:</i>	Умумтаълим фанлар кафедраси
<i>Танлов босқичи:</i>	Суҳбат
<i>Савол йўналиши:</i>	Амалиётда кўп учрайдиган муаммоли ҳолатлар (казус) (98 та)

1. Давлат тилида иш юритишда ҳар бир шахс ҳужжат тили маданиятига риоя этиши лозим. Матнлардаги терминлар моҳиятини тўғри англаб етишлари ва уларни ўз ўрнида қўллашга риоя қилишлари зарур.

Топшириқ. Ёзув маданияти тушунчасини изоҳланг.

2. Инсоннинг маънавий камолотга эришувида, жамиятнинг маданий-маърифий ривожига она тилининг ўрни фавқулудда муҳимдир. Тил миллий маънавият, маърифат ва маданиятнинг кўзгусидир.

Топшириқ. Давлат тили ҳақидаги Қонунининг асл моҳиятини ёритинг.

3. Ҳар қандай ҳужжат муайян ахборотни у ёки бу тарзда ифодалаш учун хизмат қилади, демак, ҳар қандай ҳужжатдаги бирламчи ва асосий унсур бу тилдир. Айни пайтда, ҳужжатчиликда тил ахборотни фақат қайд этиш вазифасинигина бажариб қолмасдан, бошқарув фаолиятини изчил тартибга солувчи восита сифатида ҳам намоён бўлади. Шунинг учун ҳам, аввало, ...

Топшириқ. Мазкур фикрни давом эттиринг.

4. Услуб (стиль – юнонча сўздан олинган бўлиб, ёзиш учун ишлатиладиган учи ўткирлаштирилган таёқчани билдирган). Қадимги римликлар, грецияликлар, услубга одамларни ишонтириш санъати сифатида қараганлар.

Топшириқ. Тил услубларига муносабат билдиринг.

5. Расмий услуб жамиятдаги ижтимоий, ҳуқуқий муносабатлар, давлат ва давлатлараро расмий сиёсий-иқтисодий, маданий алоқалар учун хизмат қилувчи нутқ услубидир.

Топшириқ. Мазкур услубда қандай мақсадларни кўзлайди?

6. Иш юритишда ҳужжатлар тузилишига кўра турлича бўлади. Ички, ташқи ҳужжатлар, хизмат ёки расмий ҳужжатлар, шахсий ҳужжатлар каби.

Иш юритиш ҳужжатлари ўзига хос хусусият, талаб ва шартларига эга.

Топшириқ. Мазкур талабларни тушунтиринг.

7. Иш юритишдаги ҳужжатлар, энг аввало, тузилиш ўрнига кўра тасниф қилинади. Бу жиҳатдан ички ва ташқи ҳужжатлар фарқланади.

Топшириқ. Ҳужжатлар мазмунига кўра турлари мазмун-моҳиятини ёритинг.

8. Расмий услуб, асосан, ёзма; баъзан оғзаки шаклда воқе бўлади. Бу услуб ўзининг асосий хусусиятларига эга. Бу - аниқлик ва қолип.

Топшириқ. Расмий услубга хос мазкур хусусиятларни тушунтиринг.

9. Ҳужжат тайёрлаш ва расмийлаштиришда, энг аввало, ўзбек тилининг барча асосий қонуниятлари ва қоидаларини маълум даражада тасаввур этиш зарур. Ҳар бир раҳбар, бошқарув муассасаларининг ходимлари, умуман фаолияти иш қоғозларини тузиш билан боғлиқ ҳар бир киши ўзбек тилининг имлосини, тиниш белгилари ва услубий қоидаларини эгаллаган бўлиши керак. Бусиз бугунги тараққиётимиз талабларига жавоб берадиган аниқ, лўнда ва теран мантиқли ҳужжатчиликни яратиш бўлмайди.

Топшириқ. Ҳужжатларни тайёрлаш ва уларга қўйиладиган талабларни баён этинг.

10. Иш олиб бориш жараёнинг мураккаблиги ва серқирралигига мувофиқ равишда расмий иш юритиш қоғозлари, ҳужжатлари ҳам хилма-хил ва миқдоран жуда кўп. Ҳужжатларнинг мақсади, йўналиши, ҳажми, шакли ва бошқа бир қатор сифатлари ҳам турличадир. Ҳужжатлар тилига бўлган умумий талаблар билан бир қаторда ҳар бир турким ҳужжатлар тузиш ишига қўйиладиган кўпгина лисоний хусусият ва сифатлар билан белгиланади. Бу хусусият ва сифатларни ҳар тарафлама ва чуқур тасавсур қилмасдан туриб, мукамал ҳужжатларни яратиш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Шунга кўра ҳужжатлар таснифи масаласи алоҳида касб этади. Ҳужжатшуносликда ҳужжатлар бир неча жиҳатларга кўра тасниф қилинади.

Топшириқ. Қонунчилик ва иш юритиш муносабатлари доирасида қўлланилувчи расмий – идоравий ҳужжатлар қандай таснифланади?

11. Фармойиш ҳужжатлар ўз вазифасига кўра иқтисодий, ҳуқуқий, маъмурий каби муносабатларда, давлат идораси, судлар, савдога доир ўзаро муомалаларда алоқа қилиш мақсадида қўлланилади.

Топшириқ. Фармойиш ҳужжатларнинг ўзига хос хусусиятларини баён этинг.

12. Дипломатик ва тижорат ёзишмалари ҳужжат турлари орасида энг ёши ва айна пайтда энг қадимийси ҳисобланади. Чунки Ўзбекистон мустақил давлат сифатида тан олингандан кейингина шундай ҳужжатларни ўзбек тилида ёзиш масаласи кўтарилди. Дипломатик ҳужжат, албатта, жавоб талаб қилади. Ҳужжатнинг қайси тури юборилган бўлса, шу тури билан жавоб қайтарилиши шарт.

Топшириқ. Дипломатик ва тижорат ёзишмаларига хос хусусиятларни тушунтиринг.

13. Ҳар бир ҳужжатнинг ўзига хос хусусиятлари – зарурий қисмлари, лисоний талаблари бор. Ҳужжатчиликда имло қоидаларига ва тиниш белгиларидан фойдаланишга алоҳида эътибор бериш лозим.

Топшириқ. Ҳужжатларни тайёрлаш талабларини баён этинг.

14. Ҳужжат тили лексикасини, асосан, терминлар ташкил этади. Лекин ҳар қандай расмий тушунчаларни ифодалаш учун терминлар олдида маълум талаблар ва меъёрлар қўйилади. Бу терминнинг моҳияти ва табиатидан келиб чиқади.

Топшириқ. Терминларнинг умумистеъмолдаги сўзлардан фарқланадиган ўзига хос хусусиятларини изоҳланг.

15. Бир тармоқда тегишли қўйи муассасаларнинг барчасига йўлланадиган расмий ҳужжатдир. Фармойиш хатлар хизмат алоқаларининг кўпгина соҳаларида қўлланади. Уларнинг асосий вазифаси...

Топшириқ. Фикрни давом эттиринг.

16. Фармойиш хатлар бош муассаса раҳбари томонидан имзоланади. Ишончнома – бирор муассаса (ташкилот, корхона ёки хўжалик) ёки айрим шахс ўз номидан иш кўриш учун иккинчи бир шахсга ишонч билдирадиган ёзма ваколатли ҳужжат.

Ишончномалар ўз мазмуни жиҳатидан икки хил бўлади: хизмат ишончномаси, шахсий ишончнома.

Хизмат ишончномаси...

Топшириқ. Фикрни давом эттиринг. Ишончномага намуна келтиринг.

17. Нутқ фақатгина лингвистик ҳодиса бўлмасдан, балки руҳий (психологик), нафосат (эстетик) ҳодисаси ҳамдир. Шу боис юқори даражадаги нутқ дейилганда, айтилмоқчи бўлган фикрнинг тингловчига тўлақонли етиб бориши, уларга маълум таъсирини ўтказиши назарда тутилади.

Нутқнинг коммуникатив (алоқавий) сифати қўйидаги лингвистик ва экстралингвистик мезонларга бевосита боғлиқдир: нутқнинг тўғрилиги, нутқнинг аниқлиги, нутқнинг мантиқийлиги, нутқнинг тозаллиги.

Топшириқ. Мазкур меъёрларга хосликларни тушунтиринг.

18. Низом – ташкилот ёки унинг таркибий бўлинмалари, кичик ёки кўшма корхона ва шу қабилар тузилиши, ҳуқуқи, вазифалари, бурчлари, ишни ташкил қилишлари тартиботини белгилайдиган ҳуқуқий ҳужжат. Низом айрим мансабдор шахсларга ва турли тадбирлар (кўрик, мусобақа, танлов ва бошқалар)га нисбатан ҳам тузилиши мумкин.

Кўпинча низом муассасалар таъсис этилиши ёки ташкил топиши пайтида тузилади ва юқори ташкилотлар фармойиши билан (ёки тегишли ҳокимият томонидан) тасдиқланади.

Топшириқ. Низомнинг асосий зарурий қисмларини тушунтиринг.

19. Йўриқнома – қонун ёки бошқа меъерий ҳужжатларни тушунтириш мақсадида чиқариладиган ҳуқуқий ҳужжат. У муассаса, корхона, ташкилот, юридик шахслар ва мансабдор шахс ва фуқароларнинг ташкилий, илмий-техникавий, молиявий ва бошқа фаолият томонлари хусусида тартиб-қоида ўрнатиш мақсадида давлат ёки жамоа бошқарув органлари томонидан

чиқарилади (ёки уларнинг раҳбарлари тасдиқлайди).

Топшириқ. Йўриқноманинг асосий зарурий қисмларини баён этинг.

20. Нутқ маданиятининг асосий мезони адабий тил меъёрлари ҳисобланади. Адабий тил меъёрлари дейилганда, тил воситаларининг умумхалққа тушунарли бўлган муқобил вариантларини танлаш тушунилади. Ана шу танлаб олинган вариантлар ҳамма учун мажбурий бўлади.

Топшириқ. Адабий тил меъёрларини мисоллар асосида тушунтиринг.

21. Шартнома – икки ёки ундан ортиқ томоннинг фуқаролик ҳуқуқлари ва мажбуриятларини белгилаш, ўзгартириш ёки тўхтатиш ҳақидаги расмий ҳужжат.

Шартнома корхона, ташкилот, муассаса ёки хўжаликлар, шунингдек, фуқаролар ўртасида тузилиши мумкин.

Шартномалар мазмунан турлича бўлади: Маҳсулотларни етказиб бериш шартномаси, ижара шартномаси, моддий жавобгарлик шартномаси, меҳнат битими.

Топшириқ. Шартнома қандай зарурий қисмлар асосида тузилади ва шартноманинг исталган турига намуна келтиринг.

22. Расмий хатлар матнида икки хил мазмунда тушуниладиган жумлалар бўлмаслиги учун кўчма маънодаги сўз ва ибораларни қўллашда эҳтиёткорлик, синчковлик талаб этилади. Чунки ..

Топшириқ. Мазкур фикрни давом эттиринг.

23. Хизмат хатлари вазифаси ва мазмунига кўра бир неча турга бўлиниши юқорида таъкидланган. Хатларнинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири шундаки, уларнинг номи (кафолат хати, илова хат, таклиф хат, сўров хат ва б.лар) ёзилмайди.

Топшириқ. Сўров хатининг ўзига хос хусусиятларини ёритинг.

24. Ҳужжатчиликда терминларнинг турли-туман шаклларда қўлланиши иш юритиш амалиётида салбий ҳолатдир, чунки бундай терминларда семантик жиҳатдан ўзига хос маъно нозикликлари мавжуд бўлиб, улар ҳужжат матнининг ичида берилганида, турлича маъноларни ифодалайди. Бу эса норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мутахассислар ва фуқаролар томонидан турлича тушунилишига, шарҳланишига сабаб бўлмоқда, амалиётда ижро жараёнига ҳам маълум маънода салбий таъсир кўрсатмоқда.

Топшириқ. Терминологияда ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар юзасидан фикр билдиринг.

25. Муассасалар маълум бир ишни амалга ошириш ёки тугатиш мақсадида бошқа муассасаларга расмий хат орқали амалий ёрдам қилиши мумкин. Муассасалар ўртасидаги бундай ўзаро ёзишмалар хат воситасида бажарилади. Амалий ёрдам сўраб ёзилган хат хизмат хатлари орасида энг кўп тарқалган турлардан ҳисобланади.

Топшириқ. Амалий ёрдам сўраб ёзилган хатларни ёзиш талабини баён қилинг.

26. Илова хат жавоб хатни талаб қилмайдиган ёзишма ҳисобланади. Топшириқ. Мазкур хатга хос белгиларни ёритинг.

27. Тасдиқ хат – маълум бир муассаса томонидан юборилган илтимос ва сўровларга жавоб тарзида ёзиладиган хатларнинг бир туридир.

Топшириқ. Мазкур хат ҳақидаги тушунчангизни аниқ мисол асосида тушунтиринг.

28. Ахборот хати иш юритиш ҳужжати ҳисобланиб, унинг ҳам ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Масалан, ахборот хатида референт ёки котибнинг имзоси етарли. Бирок, хатда баён қилинаётган воқеа ёки тадбирнинг аҳамиятига қараб, хат тегишли мансабдор шахс томонидан имзоланиши ҳам мумкин.

Топшириқ. Ахборот хатига мисол келтиринг.

29. Кафолат хати - муайян бир шарт ёки ваъдани тасдиқлаш мақсадида тузилади. Хатларнинг бу тури, қоидага кўра, бажарилган иш учун ҳақ, тўлашда, ишнинг бажарилиш муддати ҳақида, турар жой билан таъминлашда, ишга қабул қилишда, бажариладиган ишнинг сифати ҳақида кафолат бериш учун тайёрланади ва ташкилот ёки алоҳида шахсларга жўнатилади.

Топшириқ. Кафолат хатларига хосликларни баён этинг.

30. Процессуал ҳужжатлар – юридик матнларнинг кенг тарқалган турларидан биридир. Жиноят иши бўйича ҳар хил турдаги қарорлар ва турли баённомалар тузилиши фиркимизни тасдиқлайди. Процессуал ҳужжатлар турининг бу қадар кўплиги ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳаларида кўплаб жиноят турлари ва ҳаётий низоларнинг юзага келиши билан белгиланади.

Топшириқ. Мазкур фикрни кенгайтириб баён этинг.

31. Қонун ҳужжатлари қабул қилинишида ҳар томонлама профессионал таҳлил қилиниши ва пухта шакллантирилиши шарт. Бунда нафақат қонун ҳужжатларининг ҳуқуқий, антикоррупциявий экспертизаси, балки унинг матни тил қоидаларига мувофиқлиги, тушунарлилиги, қисқа ва аниқлик қоидаларига, гап тузилиши қоидаларига мувофиқлиги ҳам профессионал текширилиши лозим. Ўзбекистон Республикасида қонун ҳужжатлари икки тилда - рус тили ва инглиз тилида қабул қилинганлиги сабабли айим ҳолларда таржимадаги хатоликлар ҳам белгиланган норманинг тушунарсиз бўлиб қолишига олиб келмоқда.

Топшириқ. Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги қонун ҳақида фикр билдиринг.

32. Ёзма нутқи равон бўлмаган мутахассиснинг фаолиятини тасаввур қилиш қийин. Ёзма юридик нутқ барқарор ва қатъий бўлади, у ҳар доим аввалдан ўйланади ҳамда матнга туширилади. Таниқли юристларнинг ҳеч бири ёзма нутқини такомиллаштирмасдан юқори мартабага эришмаганлар.

Топшириқ. Қуйида берилган ҳужжат матни саводига муносабат билдиринг.

33. Лексикани ўрганувчи соҳа лингвистикада лексикология деб юритилади. Юридик тил лексикасининг ҳам бир неча тармоқлари бор:

- 1) умумий лексикология;
- 2) хусусий лексикология;
- 3) қиёсий лексикология;
- 4) тарихий лексикология;
- 5) ҳозирги лексикология.

Топшириқ. Мазкур лексик тармоқларга изоҳ беринг.

34. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат – бу норматив ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисидаги қонунга мувофиқ қабул қилинган, умуммажбурий давлат кўрсатмалари сифатида ҳуқуқий нормаларни белгилашга, ўзгартиришга ёки бекор қилишга қаратилган расмий ҳужжатдир.

Топшириқ. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат тилига хос талабларни баён этинг.

35. Телефонограмма - шошилиш хабарнинг матнини белгиланган жойга телефон орқали етказишдир. Телефон воситасида бўладиган бундай мулоқат расмий ҳужжат сифатида қабул қилинади ва иш қоғозининг бир тури ҳисобланади. Хизмат муомаласининг бу тури кўпинча бир шаҳар ёки туманда жойлашган муассасалар ўртасида қўлланилади.

Топшириқ. Телефонограммани тайёрлаш талабларини асосланг.

36. Хатлар - муассасалар орасида хизмат алоқаларини амалга оширувчи асосий ҳужжатдир. Хат орқали бажариладиган масалалар кўлами кенг бўлиб, бундай ёзишмалар воситасида турли кўрсатмалар, сўровлар, жавоблар, тушунтиришлар, хабарлар, таклифлар, илтимослар, қафолатлар берилади ёки қабул қилинади. Мазмун жиҳатдан турлича бўлган бундай ҳужжатлар умумлаштирилган ҳолда хизмат хатлари деб юритилади.

Топшириқ. Хизмат хатлари ҳамда расмий хатларга хосликларни баён этинг.

37. Илтимос хатларнинг асосий зарурий қисмлари:

1. Хат олувчи ташкилот ва мансабдор шахснинг номи.
2. Матн.
3. Илова (зарур бўлган ҳолларда).

Топшириқ. Мазкур хат турига мисол келтиринг.

38. Ёзма нутқ маданияти– тилнинг орфографик бойлигини эгаллашдир. Нутқ инсоният маданиятининг катта таркибий қисмини нутқ маданияти, хусусан, ёзма нутқ ташкил этади. Ёзма нутқ – адабий тилнинг ёзма меъёрларини эгаллаш, яъни тафаккур, урғу, сўз ишлатиш, гап тузиш қонунларини яхши билиш, тилнинг тасвирий воситаларидан ҳар хил шароитларга мос ва мақсадга мувофиқ фойдалана олиш, ифодали ўқиш маданиятини эгаллаш ҳам демакдир. Шунингдек, ...

Топшириқ. Фикрни давом эттинг.

39. Ҳужжатшуносликда ўзлашмаган хорижий сўзлар ва терминлар қўланилишига йўл қўйиб бўлмайди. Ўзлашган терминлар бундан мустаснодир. Ўзбек тилида муқобили бўла туриб хорижий терминларни қўллаш ҳам ўзини оқламайди. Агар тушунчаларни ифодалаш учун ўзбек тилида унга муқобил сўз ёки термин топилмаса, таржимада ортиқча сунъийликка бормасдан хорижий терминларни қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Топшириқ. Мазкур фикрга муносабат билдиринг.

40. Иш юритиш амалиётида ханузгача дефис ва тиренинг бир хил тарзда қўллаш давом этиб келмоқда. Дарҳақиқат, улар ўхшаш белгилар. Леки ҳар икки белги орасида катта фарқ бор.

Топшириқ. Дефис ва тирега хос хусусиятларни тушунтиринг.

41. Дипломатик ва тижорат ёзишмалари ҳужжат турлари орасида энг ёши ва айни пайтда энг қадимийси ҳисобланади. Чунки Ўзбекистон мустақил давлат сифатида тан олингандан кейингина шундай ҳужжатларни ўзбек тилида ёзиш масаласи кўтарилди. Дипломатик ёзишмаларда ҳужжат турини унинг мазмунидан келиб чиққан ҳолда тўғри танлаш ва ёзиш қонун-қоидаларига тўла ва аниқ амал қилиш, ҳужжат йўлланаётган мамлакат анъаналарини ҳисобга олиш зарурдир. Дипломатик ҳужжат, албатта, жавоб талаб қилади. Ҳужжатнинг қайси тури юборилган бўлса, шу тури билан жавоб қайтарилиши шарт.

Топшириқ. Мазкур фикрни тўлдиригинг.

42. Дипломатик ёзишмалар жуда кенг қамровли бўлиб, уларда мамлакатларнинг ўз мустақиллигини эълон қилиши ва бошқа давлатлар билан дипломатик алоқалар ўрнатишга оид масалаларгина эмас, халқларнинг тақдирини ҳал этишга қаратилган тинчлик, бетарафлик, қуролсизланиш каби сиёсий масалалар, ўзаро иқтисодий ва маданий ҳамкорлик қилишга оид турли масалалар ҳам ёритилади.

Топшириқ. Дипломатик ёзишмаларга хос яна қандай хусусиятларни биласиз?

43. Баёнот – бирор мамлакатнинг давлат аҳамиятига эга масалалар юзасидан берган мурожаатномси. Баёнотда асосан жаҳон ҳамжамиятига тегишли масалалар: уруш ва тинчлик, чегара хавфсизлиги, мамлакат ички

ишларига аралаштиришга нисбатан раддия бериш каби масалалар ёритилади. Шунинг учун у кўпинча ташқи ишлар вазирликлари томонидан ёзилади ва оммавий ахборотда ҳам эълон қилинади.

Топшириқ. Баёнот матни қандай талабларга амал қилади?

44. Шахсий хат – ярим расмий тусда бўлиб, муҳим шахсий протоколлаштирилган масалалар бўйича юборилади, шунингдек унда расмий ёзишмалар ва музокараларда кўрсатилган масалаларни ҳал қилишга қаратилган илтимослар қайта эслатилади.

Топшириқ. Шахсий хат қандай масалалар муносабати билан ёзилишини тушунтиринг.

45. Қайднома (протокол) – дипломатик алоқалар, муносабатлар, шартномалар, битим, музокаралар баённомаси бўлиб, у ҳам дипломатик ҳужжат ҳисобланади ва бошқа баённомалардан тамомила фарқ қилади.

Топшириқ. Мазкур ҳужжатга хос хусусиятларни ёритинг.

46. Тижорат ёзишмалари ташкилотларнинг битим (шартнома) тузиш ва уларни бажариш билан боғлиқ бўлган ташқи иқтисодий расмий фаолиятининг турли томонларини ифодалаб, ўз йўналиши, ўзининг ҳуқуқий ва иқтисодий аҳамиятига эга. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, ташқи иқтисодий алоқалар йўлга қўйилиши билан, ўз-ўзидан халқаро иш юритишда удум бўлган ҳужжатлар, жумладан, тижорат ёзишмалари ҳам йўлга қўйилди.

Топшириқ. Мазкур ёзишма турига муносабат билдириг.

47. Оферта (таклиф) сотувчи ёки экспорт қилувчининг маълум шартлари кўрсатилган битим (олди-сотди) тузишга розилигини ифодаловчи ҳужжатдир.

Топшириқ. Мазкур ҳужжат юзасидан фикр билдириг.

48. Бирор муассаса (ташкилот. корхона ёки хўжалик) ёки айрим шахс ўз номидан иш кўриш учун иккинчи бир шахсга ишонч билдирадиган ёзма ваколатли ҳужжат

Ишончномалар ўз мазмуни жиҳатидан икки хил бўлади:

1) хизмат ишончномаси;

2) шахсий ишончнома.

Топшириқ. Ишончноманинг ҳар икки турига мисол келтиринг.

49. Кишилик жамиятининг тараққиёти, ижтимоий-иқтисодий тузумларнинг алмашина бориши, аниқроғи, кишилар ўртасидаги ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий муносабатларнинг такомиллаша бориши баробарида ҳужжатлар ҳам такомил топиб борган.

Топшириқ. Миллий ҳужжатчилигимиз шаклланиш тарихини баён этинг.

50. Ўзбек тилининг расмий услубига мансуб ёзишма ва ҳужжатлар бошқа услублардан лексик-фразеологик ва грамматик хусусиятларга кўра бир-бирдан фарқланиб туради. Баён қилинган фикрларнинг изчиллик билан узвий боғланган бўлишига алоҳида эътибор қилинади ва танланган сўзларнинг гап қурилишининг расмий муносабатни ифодалашга бўйсундирилганлиги билан изоҳланади. Шунингдек, стилистика ...

Топшириқ. Фикрни давом эттиринг.

51. Узоқ йиллик иш тажрибасига ҳамда талабалар ўртасида алоҳида ҳурматга эга бизнес ҳуқуқи фани ўқитувчиси аудиторияга кириб, доскада ўзининг карикатура жанрида ишланган расмини кўради. Карикатура ёрқин ишланган, ҳар бир штрих аниқ ишланган, қолаверса, расм жуда кулгили чиққан. Бутун гуруҳ педагогнинг карикатурага, унинг ижодкорига нисбатан муносабатини кутяпти. Бироқ, педагог шошилмасдан, катта қизиқиш билан карикатурани томоша қилади ва шундай деди: “Карикатура шунчалик яхши чиқибдики, уни ҳатто ўчиргим келмаяпти. Расм ижодкори – ёш рассом уни қоғозга кўчириб олиши керак. Мен карикатурист (рассом)ни муносиб баҳолайман!”.

Топшириқ: 1. Педагогнинг мавжуд вазиятдаги ҳолатини шахсан Сиз қандай баҳолайсиз? 2. Бу вазиятда педагог компетентлигига кўра, қандай тарбия методини қўллади?

52. Таълим мақсадини талабанинг ўқув-билиш фаолияти орқали қўйиш деган тушунча мақсади “ижодий тафаккурни шакллантиришга доир вазифаларни ҳал этиш”га йўналтирилади. Бир қарашда таълим мақсадини бундай қўйиш машғулоти режалаштириш ва ўтказишга аниқлик киритганга ўхшайди. Лекин

Топшириқ. Фикрни давом эттиринг.

53. Ҳар қандай педагогик фаолиятнинг самарадорлиги унинг натижаси ёки натижалари билан ўлчанади. Шахс фаолияти, билими, кўникма ва малакаларини баҳолашда муайян мезонларга таяниб иш кўрилади. Мезонларнинг ишлаб чиқилиши фаолият, билим, кўникма ва малакаларнинг объектив, холис баҳоланишини таъминлайди. Касбий таълим инновацияларидан самарали фойдаланишда педагогларнинг касбий маҳорати, компетентлиги, иқтидори, методикаси ва иш тажрибаси алоҳида аҳамият касб этади. Педагог қанчалик даражада касбий маҳорат, компетентлик, иқтидор ва иш тажрибасига эга бўлса, у таълим инновацияларини ўз фаолиятида шунчалик фаол қўллади ва самарали натижаларга эришади.

Топшириқ. Ҳуқуқ фанларини ўқитишда педагогнинг инновацион фаолияти нималар билан белгиланади?

54. Талаба ўқув жараёнидаги эгаллаган билимларидан, касбий малакалари ва кўникмаларидан ҳиссий жиҳатдан қониқа олиши лозим. Бу вазифани ҳал қилишда ўқитиш жараёнида ўйинли технологиялардан

фойдаланиш алоҳида аҳамият касб этади. Ўйинли технологиялари, шунингдек, талабаларнинг ижодий қобилияти ва креатив тафаккурини ўстиради. Ўйин технологияларининг самараси бу - ...

Топширик. Фикрни давом эттиринг.

55. Юридик таълимда педагогнинг касбий тайёргарлиги таълим сифати, ўқитиш методикасининг такомиллашуви, ривожининг муҳим омилидир. Ҳозирги пайтда педагогик технологиялар таълим-тарбия самарасини тўла қафолатловчи тушунча деб эътироф этилса ҳам, лекин барибир замонавий педагогик технологияларни ўқув жараёнига киритишда унинг бошқарувчиси бўлган ўқитувчигина педагогик жараёнда кўзланган мақсадга эришишнинг бош қафолатчиси бўла олади. Нима учун?

Топширик. Мазкур фикрга муносабат билдириг.

56. Бугунги кунда илғор педагогик технологияга бўлган эҳтиёж жуда кучайди. Чунки ҳозирги компьютер технологиялар асрида таълимнинг репродуктив метод ва воситалари жамиятга шиддат билан кириб келаётган ахборот оқимини тўлиқ ўзлаштира олмаяпти. Шу боис, таълимни жадаллаштириш, тараққий эттириш ва самарадорлигини ошириш учун анъанавий таълимга ҳар томонлама ёрдам берадиган замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш зарурлигини даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Топширик. Фикрни давом эттиринг.

57. Ҳозирги кунда юридик таълим жараёнида интерактив методлар, инновацион педагогик ва ахборот технологияларини ўқув жараёнида қўллашга бўлган қизиқиш, эътибор кундан-кунга кучайиб бормоқда, чунки продуктив таълимда замонавий технологиялар...

Топширик. Замонавий таълим технологиялари мақсадини тушунтириг.

58. Blended learning (аралаш ўқитиш) замонавий таълимнинг нисбатан янги, бироқ, тобора оммалашиб бораётган шакли саналади. Blended learning (аралаш ўқитиш) – онлайн ўқув материаллари ҳамда ўқитувчи раҳбарлигида гуруҳда таълим олишга асосланган ўқитиш шаклидир.

Топширик. Ушбу шаклдаги ўқитиш жараёнида тингловчининг ҳолатини тушунтириг.

59. Замонавий мутахассис таълим технологияларининг барчасини, шу жумладан, педагогик компонентлар, асосий аспектларни чуқур ўрганиб, таҳлил қилиш шарт экан. Чунки педагогик технология – таълимда самара берадиган метод ва воситалардир. Замонавий таълимда ўзаро мулоқот педагогик технология асосини ташкил қилиб, ўқув жараёнини тўлиқ қамраб олиши керак. Бунда...

Топширик. Фикрни давом эттиринг.

60. Кейс-стади усули ёки аниқ вазиятлар усули (инглизча касе - касе, вазият) - бу муайян муаммолар - вазиятларни (ишларни ҳал қилиш) ҳал қилиш орқали ўрганишга асосланган фаол муаммоли-вазиятли таҳлил усулидир.

Топшириқ. Мазкур усул мақсадни тушунтиринг.

61. Собир ўрта мактабнинг 9-синфини тамомлади. Шаҳодатномасида “уч” баҳолар кўп бўлганлиги, салбий хулққа эгалиги сабабли, Собир ҳеч бир касб-ҳунар коллежига қабул қилинмади. Ҳар бир коллежнинг раҳбари Собирни бошқа академик лицей ва касб-ҳунар коллежига киришини тавсия этди. Бироқ, Собирнинг ота-онаси ҳар гал ўғилларини ўзлари яшайдиган тумандаги касб-ҳунар коллежида таълим олишини, шундагина уни назорат қилиб туришлари мумкинлиги айтишарди.

Топшириқ. 1. Айтинг-чи, касб-ҳунар коллежларининг раҳбарлари Собирни ўқишга қабул қилмасликка ҳақлимилар? 2. Аини вазиятда Собирнинг қандай ҳуқуқлари бузилапти?

62. Таълим жараёнини технологиялаштириш педагогик фаолиятнинг муҳим кўриниши бўлиб, у муайян босқичларда амалга оширилади.

Тарбия жараёнини технологиялаштириш – аниқ мақсад ва ижтимоий ғояга асосланиб, талабаларда маънавий-ахлоқий сифатларни шакллантиришга йўналтирилган педагогик фаолиятнинг ташкилий-техник жиҳатдан уюштирилишидир. Замонавий шароитда маънавий-маърифий тадбирларнинг ўтказилишига расмиятчилик нуқтаи назардан воз кечиш мақсадга мувофиқир. Тарбия жараёнини технологиялаштиришда бу жараённи лойиҳалаштириш ҳамда унинг асосларини белгилаш муҳим аҳамиятга эга.

Топшириқ. Таълим жараёнини технологиялаштириш йўлида амалга ошириладиган вазифаларни босқичлар бўйича белгиланг. Ҳар бир босқичга муносабат билдиринг.

63. Дарс жараёнида талабалар билан тўғри мулоқот ўрнатилмади. Ўқувчилар ўзининг ўқитувчига нисбатан ҳурматсизлиги дарс давомида яққол кўзга ташланди.

Топшириқ. Ана шундай жараёнда ўқитувчи ўқувчилар билан мулоқотни қай тарзда тиклаши мумкин?

64. Педагогик технологиялар, ўқитиш методикасига оид фанлар замонавий таълим технология шартларининг барча талабларига жавоб берадиган таълимий машғулот ҳисобланади. Мақсад – мамлакатимизда яшаб, таълим олаётган ёш авлодни ҳар томонлама етук-баркамол қилиб тарбиялаш, келажакда педагогик касбини танлаган ёшларни педагогик маҳоратнинг талабларини пухта эгаллаган мутахассис қилиб вояга етказишдан иборатдир.

Топшириқ. Ушбу мақсадни рўёбга чиқариш учун қандай вазифалар белгиланган?

65. Одатда педагогик инновацияларнинг амалиётга татбиқ этилиши икки хил кечади. Улар...

Топшириқ. Фикрни давом эттиринг.

66. Замоनावий педагог таълим-тарбия жараёнининг зарур бўлган жиҳатларини пухта билиши ўта муҳимдир.

Топшириқ. Мазкур жиҳатларни таърифланг.

67. Айрим адабиётларда метод ва методика терминлари усул, услуб ва услубиёт тарзида қўлланилмоқда. Ваҳоланки, мазкур тушунчалар бир маънони англатувчи сўзлар эмас. Метод, методика, методология терминлари ўзаги бир, яъни ушбу сўзлар бир-бирига боғлиқ тушунчалар. Лекин ...

Топшириқ. Ушбу фикрга муносабат билдиринг.

68. Ҳар қандай педагогик фаолиятнинг самарадорлиги унинг натижаси ёки натижалари билан ўлчанади. Шахс фаолияти, билими, кўникма ва малакаларини баҳолашда муайян мезонларга таяниб иш кўрилади. Мезонларнинг ишлаб чиқилиши фаолият, билим, кўникма ва малакаларнинг объектив, холис баҳоланишини таъминлайди.

Топшириқ. Педагогларнинг инновацион фаолиятини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқинг.

69. Таълим инновацияларидан самарали фойдаланишда педагогларнинг касбий маҳорати, компетентлиги, иқтидори ва иш тажрибаси алоҳида аҳамият касб этади. Педагог қанчалик даражада касбий маҳорат, компетентлик, иқтидор ва иш тажрибасига эга бўлса, у таълим инновацияларини ўз фаолиятида шунчалик фаол қўллайди ва самарали натижага эришади.

Топшириқ. Педагогларнинг инновацион салоҳиятини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқинг.

70. Замоनावий шароитда таълим тизимида вебинар технологиялар тобора кенг қўлланилмоқда. “Вебинар технологиялар” тушунчаси инглиз тилидан таржима қилинганда (“webinar” – web-based seminar) web-технологиялари ва анъанавий таълимнинг ўзаро бирлиги асосида ташкил этиладиган семинарни англатади. Бироқ, кенг маънода web-технологиялари ёрдамида ташкил этиладиган нафақат семинарни, балки турли онлайн тадбирларни ёритишга ҳам хизмат қилади. Ушбу технологияларни ўзлаштириш орқали педагоглар интерфаол ўқув машғулотларини ташкил этиш имкониятига эга бўлади. Талабалар учун эса бу технологиялар вақтни ва бошқа ресурсларни тежаш имкониятини яратади. Чунки ушбу интерфаол таълим жараёни билан қулай вақт ва қулай жойда танишиш имконияти мавжуд. Бу эса педагоглардан вебинар технологиялар асосидаги машғулотларни самарали ташкил этиш учун муайян кўникмаларга эга бўлиш, бир қатор шарт ва қоидаларга риоя этиш талаб қилинади.

Топшириқ. Кўпчиликнинг фикрича, вебинар дарсларнинг сифати web-технологияларининг таъминотига боғлиқ. Бу фикр қанчалик тўғри?

71. Педагогик инновациялар педагогик фаолиятга янгиликларнинг изчил олиб кирилишини тавсифлайди. Педагогик инновацияларнинг дидактик имкониятларига кўра таълим тизими ва жараёни ривожланиб боради.

Топшириқ. Ўқитувчининг инновацион фаолияти қандай жиҳатларни кафолатлашини тушунтиринг.

72. Таълим методи – ўқув жараёнининг блокли вазибаларини ечишга йўналтирилган ўқитувчи ва талабаларнинг биргаликдаги фаолияти усули.

Таълим методикаси – муайян ўқув предметини ўқитишнинг илмий асосланган метод, қоида ва усуллар тизими. Буларнинг ҳаммаси қобилият тушунчасига ҳар томонлама боғлиқ. Қобилият бу -

Топшириқ. Педагог эга бўлиши зарур бўлган қобилият турларини тушунтиринг.

73. Замонавий шароитда таълим жараёнининг барча имкониятларига кўра шахсни ривожлантириш, ижтимоийлаштириш ва унда мустақил, танқидий, ижодий фикрлаш қобилиятларини тарбиялашга йўналтирилиши талаб қилинмоқда. Ўзида ана шу имкониятларни намоён эта олган таълим шахсга йўналтирилган таълим деб номланади.

Топшириқ. Шахсга йўналтирилган таълимнинг афзалликларини тушунтиринг.

74. Педагогик фаолиятга қўйилган талаб ёш мутахассислар бозорининг вужудга келиши, кўп босқичли таълимнинг ривожланиши, давлат ичидаги олий ўқув юрти ва мутахассисларнинг халқаро аккредитацияси билан ошиб боради.

Топшириқ. Педагогик фаолиятда фаоллик қисмларини изоҳланг.

75. Шахсга йўналтирилган таълим талабани таълим тизимига мослаштиришни эмас, аксинча, унинг индивидуал хусусиятларини инобатга олган ҳолда ҳар томонлама ривожланиши, шахс сифатида камолотга етиши учун зарур шарт-шароитларни яратишни назарда тутаяди. Бу тураги таълим талабаларни ўз-ўзини ривожлантиришга, мустақил билим олишга, ўзининг ички имкониятлари, қобилиятларини тўла намоён эта олиши, билиш фаоллигини ошириш учун зарур шароитни вужудга келтириши зарур. Талабалар шахсга йўналтирилган таълим жараёнида ...

Топшириқ. Ушбу фикрни давом эттиринг.

76. Интерфаол машғулотларни ташкил қилишда педагогнинг касб маҳорати муҳим аҳамиятга эга. Интерфаол услуллар уларни қўллашда муайян шартларни талаб қилишади.

Топшириқ. Бу қандай талаблар?

77. Интерфаол таълим ўқитиш жараёнининг асосий иштирокчилари – ўқитувчи, талаба ва талабалар гуруҳи ўртасида юзага келадиган ҳамкорлик, кизгин баҳс-мунозалар, ўзаро фикр алмашиш имкониятига эгалик асосида ташкил этилади, уларда эркин фикрлаш, шахсий қарашларини иккиланмай баён этиш, муаммоли вазиятларда ечимларни биргаликда излаш, ўқув материалларини ўзлаштиришда талабаларнинг ўзаро яқинликларини юзага келтириш, “ўқитувчи – талаба – талабалар гуруҳи”нинг ўзаро бир-бирларини ҳурмат қилишлари, тушунишлари ва қўллаб-қувватлашлари, самимий муносабатда бўлишлари, рухий бирликка эришишлари кабилар билан тавсифланади.

Топшириқ. Бугунги кунда республика таълим муассасаларида интерфаол таълимни ташкил этишда қўлланилаётган энг оммавий технологияларни ёритинг.

78. Ўқув курсларида бир тингловчининг ўрнига бошқа тингловчи қатнашиши, унинг ўрнига синов топшириқларини топширишнинг олини олиш мақсадида масофавий таълим тизимида назорат видеоконференцияларни ташкил этилишига асосланади. Масофавий таълим тизимида кўра машғулотлар маъруза, семинар, лаборатория машғулоти, курс иши, синов, имтиҳон, маслаҳат, мустақил иш каби шаклларда йўлга қўйилади.

Топшириқ. Масофавий таълимнинг устувор тамойилларини тушунтиринг.

79. Дифференциация таълим жараёнининг ажралмас қисмидир. Аммо ўқув жараёни давомида, хусусан, ўзлаштириш жараёнида ушбу усулдан фойдаланиш дифференциал технологияни вужудга келтиради.

Топшириқ. Дифференциациянинг асосий мазмуни нималарга йўналтирилишини тушунтиринг.

80. Илғор педагогик технологияларнинг ўзига хос хусусияти талаба фаолиятининг ўқув-илмий фаолиятини яқуний ва самарали бўлишини таъминлайди, талаба шахси хусусиятларини чуқур таҳлил қилади. Бу эса психология категориялари билан ҳал этилади.

Топшириқ. Мазкур фикр мазмунини ёритинг.

81. Масофавий таълим тизимида электрон ахборот ташувчи воситалар – дискета, CD-ROM, DVD кабиларда ўқув ахборотини ташиш ёки Интернет тармоғи орқали электрон почта орқали юбориш имкониятини таъминлаш талаб этилади.

Топшириқ. Масофавий таълим технологиялари қандай қўшимча талабларга жавоб бера олиши зарур?

82. Таълимда назарияни амалиёт билан боғлаш тамойили илгари сурилди. Бунда инсон ҳаётга жорий этган муаммолар ечимининг савиясига қараб, кишилар орасида ўз ўрни ва мавқеини эгаллаб боради. Шу йўсинда

шахсининг мустақил фикрлаш қобилияти сайқалланиб бораверади ва шахс жамиятда иштимой фаол инсон сифатида шаклланади.

Топшириқ. Таълим жараёнида талабаларнинг ўзлаштириш даражаларини тушунтиринг.

83. Ҳар ўқитувчи кейс-стадига асосланган ўқув топшириқларининг пухта асосланишига эриша олиши лозим. Кейс топшириқларининг амалий-дидактик характерга эга бўлиши учун уларни ишлаб чиқишда қатор талаблар мавжуд.

Топшириқ. Мазкур талабларни тушунтиринг.

84. Фанлар бўйича тўғри ташкил этилган назорат талабаларни олинаётган билимларини янада чуқурлаштириш ва уларнинг шахсий хусусиятларини ривожлантириш учун турли метод, воситаларни танлаш имконини беради. Ўқув фаолиятига таъсир этишнинг икки томони бор. Бу - педагог қўллаётган усул ва методлар ва педагогнинг фақат шахсий хислатларига боғлиқ бўлган таъсир этиш воситаларидан фойдаланишдир.

Топшириқ. Таълим мазмунини ўзлаштиришда қўлланиладиган интерфаол методларни тушунтиринг.

85. “Ассесмент” технологиянинг яратилиш тарихи ўтган асрнинг 30-40-йилларига бориб тақалади. Дастлаб технология мавжуд ҳарбий вазиятларни тўғри баҳолай оладиган, ҳарбий ҳаракатлар жараёнини самарали бошқарадиган, зарур ўринларда оқилона ҳаракатни ташкил эта оладиган инглиз ҳамда немис ҳарбийлари орасидан билимдон, тадбиркор, маҳоратли ҳарбийлар, шунингдек, офицерларни танлаш мақсадида қўлланилган. Кейинчалик ушбу технология тадбиркорлик соҳасига ҳам самарали татбиқ этилди.

Топшириқ. Ушбу технология таълимда ҳам қўлланиладими?

86. Замонавий таълим жараёнида талаба продуктив (маҳсулдор) ва ижодий ўзлаштириш даражаларини эгаллаши учун анъанавий методикадаги ўқитишнинг муаммоли усул ва методларидан унумли фойдаланади. Замонавий педагогик технологияларни яратишда, албатта, анъанавий ўқитиш методикасидаги бой тажриба ва илғор педагогик жараёнлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Ана шуларнинг барчаси педагогик тизимни ташкил этади.

Топшириқ. Педагогик тизим қисмларин тушунтиринг.

87. Таълим жараёнида инновацион воситалардан ўринли фойдаланиш муҳим масаладир. Замонавий шароитда инновацион характерга эга воситалар ҳам қўлланилмоқда. Уларнинг технологик-дидактик имконияти талабаларнинг ўқув-билиш фаоллигини ошириш билан бирга, ўқитиш сифатини яхшилаб, самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

Топшириқ. Продуктив таълим воситаларига мисол келтиринг.

88. Репродуктив ўқув жараёнида таълим самараси кўпроқ ўқитувчининг маҳоратига боғлиқ бўлади. Бунда педагогнинг тажрибасига ўқув машғулотининг кўп жиҳатлари боғлиқ бўлади. Ўқитувчи маъруза давомида талабаларга берган билимини амалий ва семинар машғулотларида қайтариб олади. Талаба фақат амалий, семинарларда фаол бўлади. Продуктив таълимда эса дарс лойиҳалаштирилади. Лойиҳа асосида иш олиб бораётган педагог катта педагогик тажрибага эга бўлмасада, самарага эриша олади. Бунда энг асосий ҳаракат ўқув мақсадларини аниқлаш ҳисобланади.

Топшириқ. Педагогик технологиялар дарс мақсадини белгилашда ҳам аниқлик бўлишини талаб этади. Аниқ мақсадларни белгилаш назорат ва баҳолашни енгиллаштиради. Педагогик технологияларни қўллашда асосий эътибор охириги натижага қаратилади. Мақсадни белгилашда продуктив ва репродуктив таълимда қандай изчилликка амал қилинади?

89. Мультимедиа термини ҳозирги кунда ҳам турли тарзда талкин қилинмоқда. Бу борада олимларнинг ҳам турли фикр, қарашлари мавжуд.

Топшириқ. Мультимедиани Сиз нима деб тушунасиз?

90. Продуктив таълимда ҳосил қилинган билимлардан ташқари таълим олувчига ўқув фаолиятининг ўзи ҳам айнан психологик таъсир кўрсатади, бунда ўқувчи педагог раҳбарлигида ўқув фаолиятининг барча компонентларини эгаллаб олади. Демак бунда таълим олувчи ўқув субъекти сифатида намоён бўлади. Таълим олувчи яна бир қатор билим босқичларини босиб ўтади. Булар: ...

Топшириқ. Фикрни давом этинг.

91. Индивидуал таълим технологияси – бу ўқув жараёнининг ташкил этишининг шакли бўлиб, бунда педагог ва таълим олувчи яккама-якка ўзаро таъсир кўрсатадилар, таълим олувчи ўқув воситалари (китоблар, компьютер ва ҳ.к.) ёрдамида узлуксиз мустақил таълим олади.

Топшириқ. Мазкур таълим технологиясининг афзалликларини тушунтиринг.

92. Ҳар қандай педагогик технология баъзи бир методологик талабларга ёки технологиклик мезонларига жавоб бера олиши керак. Бунда педагогик технологияларнинг асосий сифатлари қуйидагиларда ифода этилади:

Топшириқ. Фикрни давом эттиринг.

93. Касбий-педагогик компетентликка эга бўлишда ўз устида ишлаш, ўз-ўзини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. Ўз-ўзини ривожлантириш вазифалари ўзини ўзи таҳлил қилиш ва ўзини ўзи баҳолаш орқали аниқланади.

Топшириқ. Ўз устида ишлаш нималарда кўринишини баён этинг.

94. Таълим мазмунини белгилайдиган хужжатлар – бу норматив хужжатлар ҳисобланади. Улар: ўқув режаси, ўқув дастури ва дарсликлар.

Топшириқ. Ўқув режа ва ўқув дастурга таъриф беринг.

95. Ўтган асрнинг 50-йиллирида жаҳон педагогик тизимида “Блум таксономияси” деган бирикма фаол қўллана бошланди. Америкалик олим Бенджамин Блум таксономия асосчиси сифатида тан олинди. Бенджамин Блум Пенсильваниянинг Ленсфорд шаҳрида туғилган. Пенсильвания университетида таҳсил олиб, 1942 йил Чикаго университетида докторлик даражасига эга бўлган ва шу ерда фаолият юритган.

Блум таксономияси мавҳум тушунчаларни баҳолашда асосий эътиборни нималарга қаратиш лозим деган саволни ёритишга ёрдам беради.

Топшириқ. Блум таксономияси мавҳум тушунчаларни баҳолашда асосий эътиборни нималарга қаратиш лозимлигини тушунтиринг.

96. Продуктив таълимда “ўз-ўзини баҳолаш” ҳамда “ўзини ўзи самарали баҳолаш” деган тушунчалар мавжуд.

Топшириқ. Ушбу тушунчалар мазмун-моҳиятини ёритиб беринг.

97. Ҳар қандай мутахассис каби педагог ҳам ўзи учун шахсий-амалий характерга эга “Индивидуал ривожланиш дастури”ни ишлаб чиқа олиши, у асосида педагогик фаолиятни йўлга қўйиши зарур.

Топшириқ. Педагогнинг индивидуал ривожланиш дастури ҳақида тушунча беринг.

98. Педагогнинг маҳорати бевосита касбий-педагогик фаолиятда кўринади. Шу сабабли у педагогик жараённинг умумий моҳиятини чуқур англай олиши, бу жараёнда устувор аҳамият касб этадиган қонуниятлардан хабардор бўлиши, педагогик фаолиятни самарали ташкил этиш механизмларини пухта эгаллай билиши лозим. Таълим жараёнининг фаол иштирокичиси бўлган педагогнинг педагогик маҳорати унинг шахси, иш тажрибаси, фуқаролик мақоми, мутахассис сифатидаги мавқеи, у томонидан педагогик техниканинг етарли даражада эгалланганлиги, касбий фаолиятнинг индивидуаллигидан далолат беради.

Топшириқ. Педагогик маҳоратнинг таркибий қисмларини тушунтиринг.